

YPONOMEUTA MALINELLUS ZELL. НИНГ ОЛМАГА ЗАРАР КЕЛТИРИШ ДАРАЖАСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ

Иргашева Нилуфар Рихсимовна,
Усвалиев Ойбек Турғунович,

ТошДАУ Ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедраси ассистентлари,
Махмудов Мурод Шухрат ўғли,
ЎКХАИТИ илмий ходими.

Аннотация: мевали боғларда асосий зараркундаларга қарши кимёвий препаратларни қўллалаш меъёри, самарадорлиги, иқтисодий жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: зараркунда, иқтисодий зарар, препаратлар, вегетация, мевали боғлар.

Аннотация: В статье показано, что ядохимикаты разрешено применять в садах со знанием размера экономического ущерба, и наоборот. Одних вредителей убивают, а других резко увеличивают. И задумались о его применении на этом основании.

Ключевые слова: вредитель, экономический ущерб, препарат, вегетация, плодовых сад.

Annotation: The article shows that pesticides are allowed to be used in orchards with knowledge of the amount of economic damage, and vice versa. Some pests are killed, while others are sharply increased. And they thought about its use on this basis.

Keywords: pest, economic damage, drug, vegetation, orchard.

Мевали боғларда иккинчи даражали (йўлдош) зараркунда ҳисобланган ёки йилига бир авлод бериб ривожланувчи зараркунда ҳашаротларнинг оммавий тарзда кўпайиши бир томондан жиддий зарар етказса, иккинчи томондан доминант зараркундаларнинг зарари ошиб бориши мевали боғлардан кутилган ҳосилни олишга тўсқинлик қилади. Зараркундаларга қарши турли усул (агротехник, биологик, кимёвий ва физик-механик) лар устида тадқиқотлар олиб борилган, лекин уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиниши устида етарлича ишлар олиб борилмаган. Амалдаги кураш чора-тадбирлар самарасини ошириш учун боғларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган усул ва воситаларни такомиллаштириш зарур.

Yponomeuta malinellus Zell. нинг систематик таҳлили: бўғиноёқилар—*Orthopoda* типи, ҳашаротлар—*Insecta* синфи, тангақанотлилар—*Lepidoptera* туркуми, ҳақиқий тоғда яшовчи куялар—*Yponomeutidae* оиласи, *Yponomeuta* турига мансуб зараркунда ҳашаротдир.

Капалак (имаго)ларининг олдинги қанотлари оқрангда бўлиб 11 тадан 18 тагача қора нуқталари мавжуд бўлиб аниқ кўриниб туради, нуқталар тартибсиз уч қаторда жойлашган. Қанотларининг узунлиги 13-21 мм. Қуртларинг ранги сариқ, катта ёшдаги қуртларининг узунлиги 12-15 мм. Капалакларининг пушторлиги юқори, 150 тагача тухум қўйиши мумкин. Олма куяси қатъий моноцикллик тур ҳисобланиб, бир йилда бир авлод бериб ривожланади. Улар биринчи ёшдаги қурт ҳолида қалқонча остида қишлаб қолиб, апрел ойининг иккинчи ярмида қишлоvdан чиқади.

Қуртлар билан зарарланган барглар жигарранг бўлиб қолади. Қишлоvdан чиққанидан 10-12 кун ўтгач, 2 ёшдаги қуртлар қалқон (мина) ларидан чиқиб очиқ озикланишга ўтади. Олма куяси қуртлари тўда ҳосил қилиб ўзларидан чиқарган пилла иплари ёрдамида олма баргларини ўраб, ўша ерда озикланади. Қуртлар шу тариқа 4 ёши ўтайди. Қуртларнинг ёшдан ёшга ўтиши учун ўртача 12-15 кун керак бўлади. Улар ўзлари озикланган баргларда зич тўқилган пилла ичи-

да ғумбакланади. Уларнинг ғумбаклари олма баргларига маҳкамланган оқ рангли зич пилла ичида бўлади.

Ўғумбакларининг ранглари сариқ, кейинчалик қорамтир сарғиш ранга ўтади, шакли овалсимон бўлиб, капалаклар 5-7 кунда чиқади. Олма куясининг капалаклари учиши июн ойининг учинчи декадасидан август ойининг сўнгги кунларига қадар давом этади.

Капалаклар асосан куннинг иккинчи ярмида учадилар кундузи олма баргларининг остки томонларида дам олади. Оталанган урғочи зот капалаклар тухумларини тўда ҳосил қилган ҳолда 15-50 тадан қилиб олма дарахти новдаларининг ўсув нуқталари ҳамда қуртакларига жойлаштириб қўяди. Тухумларини ташқи омиллардаги хавф-хатар (шамол, энтомофаг)лардан ҳимоялаш мақсадида уларнинг устини ёпишқоқ ажратма билан қоплайди. Тухумларнинг ривожланиши ва қуртларининг чиқишига 7-12 кун керак бўлади. Тухумдан чиққан 1 ёш қуртлар дарахт танаси ёриқлари, илдиз ости ва бегона ўт қолдиқларида қалқонча ичида қишлоvdа кетади.

Y. malinellus Zell. зарарлилик даражасини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар 2020-2021 йилларда Наманган вилоятининг Чуст тумани боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликларида олиб борилиб, куяларнинг миқдорлари бўйича олма дарахтларининг зарарланиши таҳлил қилинди.



Олиб борилган тадқиқотларга кўра олма куяси, тоғ ва тоғолди ҳудудларида 1 та авлод бериб ривожланиши аниқланди. Шунингдек, кузатувларга кўра куя куртлари 4 ёшни ўтайди.

2020-2021 йиллар олма куяси куртларининг яшовчанлигини ва умри давомида зарарлаган шохлар сонини аниқлаш учун ўтказилган тажриба натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Олма куяси куртларининг озикланиш давомийлиги ва уларнинг зарарлаган шохлар миқдори (Наманган вил. Чуст тумани, Азамат Ота ф/х) 2020-2021 йй.

№ изолятор	Қуртларни мева ичига кириш муддати, июнь	Озикланишни яқунлаш санаси, июль	Қунлар бўйича озикланишни давомийлиги, кунларда	Зарарланган мевалар миқдори, дона
1.	8	5	27	4
2.	8	3	25	6
3.	9	4	25	3
4.	10	8	28	5
5.	10	7	27	7
Ўртача	9	5,4	26,4	5

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, олма мевахўри куртларининг озикланиш давомийлиги 25-28 кунгача давом этади ва улар бу вақт давомида 2-3 тагача меваларни зарарлаши кузатилди. Қуртлар мева пўсти остига кириб, мева этидан камера очади ва унинг ичида бирмунча вақт озикланиб турди. Ҳар бир курт 25 -30 кун давомида озикланди. Бир дона биринчи авлод куртлари умри давомида 4-6 дона мевани, 2 -авлод куртлари 5-7 дона мевани зарарлайди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Тошкент ва Наманган вилоятларининг тоғолди туманларида олма куяси олма дарахтларига кучли зарар етказаётганлиги аниқланди. Бу эса олма ҳосилининг йўқотилиши ва дарахтларнинг кучсизланишини бартараф этиш учун тезкор чоралар кўришни талаб этади. Шу боис тадқиқотларимизда мазкур зараркунандага қарши кураш

воситаси сифатида бир қанча турли гуруҳларга мансуб инсектицидлардан фойдаланиб дала тажрибалари ўтказилди.

Дала тажрибалари Чуст тумани ҳудуди фермер хўжаликларидagi олма боғларида ўтказилди. Баландлиги 3 м гача бўлган дарахтларга (ҳар вариантда 6 тадан) моторли қўл пуракачи билан ишлов берилди. Сувнинг сарф-меъёри 1000 л/га қилиб олинди. Шунга мувофиқ ишчи суюқлик концентрацияси танланди. Зараркунандани ҳисобга олиш ишлов беришгача ва ундан сўнг 1, 5, 10 ва 15 кун ўтгач амалга оширилди. Олма куясига қарши Талстар 10% эм.к. (Бифентрин) 0,4-0,6 л/га, Атилла Супер 10% эм.к. (Лямбда-цигалотрин) 0,2-0,4 л/га, ҳамда Фуфанон 57% эм.к. (Малатион) 1,0-3,0 л/га ҳисобида қўлланилди. Андоза варианты сифатида Би 58 40% эм.к. (Диметоат) 2,0 л/га перепарти олинди.

2020-2021 йилларда Чуст туманида ўтказилган тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган бўлиб, бунда синалган барча препаратлар олма куясига қарши курашда юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

Олма куясига қарши 2020-2021 йилларда Чуст туманида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра Талстар 10% эм.к. (Бифентрин) 0,4 л/га сарф- меъёрида синалган вариантда 14 куни 92,4%, 0,6 л/га сарф меъёрида синалган вариантда эса 94,9% самара берди. Атилла Супер 10% эм.к. (Лямбда-цигалотрин) 0,2 л/га сарф меъёрида синалган вариантда 14 куни 89,4%, 0,4 л/га меъёрида синалган вариантда эса 92,9% ҳамда Фуфанон 57% эм.к. (Малатион) 1,0 л/га сарф-меъёрида синалган вариантда 14 куни 88,6%, 3,0 л/га ҳисобида қўлланилганда эса 91,8% андоза вариантга нисбатан самарадорликни намоён этди.

2-жадвал.

Олма куясига қарши синалган инсектицидларнинг биологик самарадорлиги. Дала тажрибаси, Чуст тумани - 1000 л/га, 2020-2021 йй.

№	Вариантлар	Ишчи суюклик конц., %	Сарф-меъёри, л(кг)/га	5 та зарарланган шоҳдаги куртларнинг ўртача сони, донa				Самарадорлик. % қуйидаги кундан сўнг:		
				Ишлов беришгача	Ишлов берилганидан сўнг қуйидаги кун ўтгач					
					3	7	14	3	7	14
1.	Талстар 10% эм.к. (Бифентрин)	0,04	0,4	47,3	18,5	11,3	5,4	62,8	78,5	92,4
		0,06	0,6	67,2	22,1	13,2	5,1	68,7	82,3	94,9
2.	Атилла Супер 10% эм.к. (Лямбда-цигалотрин)	0,02	0,2	60,5	27,3	19,7	9,6	57,1	70,6	89,4
		0,04	0,4	55,7	21,4	15,2	5,9	63,4	75,4	92,9
3.	Фуфанон 57% эм.к. (Малатион)	0,1	1,0	38,3	17,1	11,4	6,5	57,5	73,1	88,6
		0,3	3,0	47,5	19,8	11,9	5,8	60,3	77,4	91,8
4.	Би 58 (андоза)	0,02	2,0	66,8	21,8	14,3	8,1	68,9	80,7	91,9
5.	Назорат (ишлов берил- маган)	-	-	37,4	39,3	41,5	55,9	-	-	-

АДАБИЁТЛАР:

- Алексидзе Г.Н., Абашидзе. Прогноз вредоносности яблонево́й моли // Защита растений.- 1983.- №6.- С. 27-28.
- Бабаян А.С. Избирательность бабочек мальвово́й моли//4-й съезд Всесоюзного Энтомологического общества: тез. докл.-М.; Л., 1959. -№С. 7-8.

3. Дегтярева Б.И. Главнейшие вредные чешуекрылые древеснокустарниковой растительности центральной части Гиссарского хребта и Гиссарской долины (Lepidoptera). Изв. АН ТаджССР. – 1964. – С.
4. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар (II-нашр). – Тошкент: Kom-DAR, 1994 ва 2004. – 103 б.
5. Schwartz, J.L. Laboratory culture of Orange Tortrix, and its susceptibility to four insecticides /J.L.Schwartz, R.L.Lyen // Econ. Entomol. 1970. - Vol. 63. -No. 6.-P. 1788- 1790.
6. Weissling, T.J. Oviposition and calling behavior of codling moth (Lepidoptera: Tortricidae) in the presence of Codlemone /T.J.Weissling, A.I.Knight /Annals of the Entomological Society of Americae. 1996. - V. 89. - N. 1. - P. 142 - 147.

ЎЎТ: 937.565.2.7.2.+632.

ЎҚИҲ, ЭЪТИБОР ҚАРАТИҲ

ОЛМА КУЯСИ БИОЭКОЛОГИЯСИ (HYPONOMEUTA MALINELLA)ТОҒ ОЛДИ ХУДУДЛАРИДА УЧРАШ ДАРАЖАСИ, ТАБИИЙ КУШАШДАЛАРИ ВА УЛАР МУВОЗАНАТЛАРИНИҲ ШАКЛЛАНИШИ

Саидов Истам Рустамович, қ.х.ф.ф.д., доцент,
Носирова Зарифахон Гуломжоновна, қ.х.ф.ф.д., доцент,
Усвалиев Ойбек Турғунович, ассисент.
ТошДАУ ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедраси

Аннотация. Кузатувларимиз натижасида олма куясининг Тошкент вилоятларининг мевали боғларида 4 туркум ва 7 оилага мансуб 26 тур энтомофаглари аниқланди ва улар йиртқич ва паразит турларга ажратилди. Ҳозирда биз ушбу энтомофаглarning антропоген омилсиз яъни табиий ҳолда неча фоизгача бошқара олишини ва жинслар нисбатини таҳлил қилмоқдамиз.

Аннотация: Биоэкология яблонево́й моли, где мы собрали полевые данные за несколько лет, мы изучали влияние погоды и других природных факторов на их жизнь. В результате наших наблюдений в садах Ташкентской области выявлено 26 видов энтомофагов, относящихся к 4 родам и 7 семействам. и они были разделены на хищные и паразитические виды. В настоящее время мы анализируем процент этих энтомофагов, с которыми можно бороться естественным путем без антропогенных факторов.

Abstract: Bioecology of the apple moth, where we collected field data for several years, we studied the influence of weather and other natural factors on their life. As a result of our observations in the gardens of the Tashkent region, 26 species of entomophages belonging to 4 genera and 7 families were identified. and they were divided into predatory and parasitic species. We are currently analyzing the percentage of these entomophages that can be controlled naturally without anthropogenic factors.

Калим сўзлар: олма куяси, об-ҳаво, йиртқич, паразит, башорат, тизим, уйғунлашган кураш, тоғ олди, биопрепарат, истиқболли.

Тадқиқотлар жараёнида олма куясининг биологик хусусиятлари, ривожланиш динамикаси, зараркундалари ривожланиши бўйича қисқа ва узок муддатли башорат тизимини ишлаб чиқиш, зараркундаларнинг йиртқич ва паразит турларини ўрганиш, кимёвий ва биологик препаратларнинг биологик самарадорлигини ўрганишни мақсад қилганмиз. Истиқболли биологик препаратларни ишлаб чиқаришга тавсия этиш ҳамда ҳалқимиз истемоли учун экологик тоза маҳсулот етиштириш жуда муҳимдир.

Тадқиқотларимизни зараркундалар биоэкологиясини ўрганишдан бошладик. Тоғда яшовчи куялар - *Hypomeutidae* оиласига мансуб. Олма куяси Марказий Осиёнинг тоғолди ва тоғли туманларида учрайди.Зарарловчи фазаси қуртлар бўлиб, олманинг ёзилаётган куртак ва барглари билан озиқланади. Кучли зарарланган дарахтлар ҳосил тугмайди

ёки кам ҳосил беради(ҳатто кейинги йили ҳам). Зарарланган дарахтларнинг ўсиши секинлашади. Мазкур куя биринчи ёшли қуртлик даврида дарахт шохлари ва новдаларидаги қалқончалар остида қишлайди. Ҳарорат 12-14°C бўлганда яъни қуртаклар ёзила бошлаган даврга келиб қуртлар даставвал туғилган жойларини тарк этишади,қалқонни ташлайди ва озиқланишни бошлайди.Қуртлари куртак ва ёзилаётган барглари зарарлар экин, уларда миналар ҳосил қилади. Кечроқ қуртлар миналардан чиқиб қуюқ ўргимчак ҳимояси остида ёш барглари кемириб озиқланади. Қуртлар тўпланиб озиқланишади, битта барғни еб тугатгач, бошқасига ўтади. Олма гуллагандан сўнг бир ой ўтгач қуртлар ривожланишни тугатади ва ўргимчак ҳимояси остида гумбакланади. Капалаклар июн-июл ойларида уцади. Ургочи капалак тухумларини ингичка шохчалар ва новдаларга 20-80 тадан тўп-тўп қилиб